

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида

« 15 » июль 2014 йилда
рўйхатга олинган

Рўйхатга олиш рақами 37



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки раисининг
биринчи ўринбосари

Мустафоев У.М.

М.Ў.

«МИКРОКРЕДИТБАНК»
акциядорлик-тижорат банки
УСТАВИ
(Янги таҳрирда)

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«Микрокредитбанк» АТБ

Акциядорларининг навбатдан ташқари
умумий йиғилишининг
2014 йил 24 июндаги 2-сонли баённома
қарори

Кузатов Кенгаши Раиси



Б.Юсупов

М.Ў.

МУНДАРИЖА

1. Умумий қоидалар	3
2. Банкнинг юридик мақоми, жойлашган жойи (почта манзили).....	3
3. Банк операцияларининг рўйхати	4
4. Банкнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	6
5. Банк устав капиталининг миқдори, уни кўпайтириш ва камайитириш тартиби.....	7
6. Банк акциялари турлари номинал қиймати ва эълон қилинган акциялар.....	9
7. Банк акцияларини жойлаштириш тартиби ва шартлари	9
8. Банк акциядорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	11
9. Банк фойдасини, дивидендларни тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби.....	13
10. Банкнинг ўз маблағлари ва кредит ресурслари.....	15
11. Банкнинг бошқарув органлари	16
12. Банк акциядорларининг умумий йиғилиши	16
13. Банк КузатувКенгаши	19
14. Банк Ижроия органи (Бошқарув).....	21
15. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш.....	24
16. Корпоратив маслаҳатчи.....	26
17. Банк филиаллари, уларни ташкил этиш тартиби.....	26
18. Банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш	27
19. Мижозларнинг манфаатларини таъминлаш	27
20. Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш	28

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки (матн давомида Банк деб номланади) кредит ташкилоти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги ПФ-3750-сонли Фармонида асосан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса қишлоқ жойларда аҳоли кенг табақаларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишни таъминлаш учун молиявий маблағлар беришни янада кенгайтириш мақсадида ташкил этилган.

1.2. «Микрокредитбанк» очик акциядорлик-тижорат банки, «Тадбиркор» акциядорлик тижорат банки негизида ташкил этилган бўлиб, «Тадбиркор» акциядорлик тижорат банкининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича шу жумладан, мулкый, молиявий ва бошқа мажбуриятлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари сақланиши ҳамда ўз вақтида қайтарилишини кафолатлайдиган талабномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

1.3. Банкнинг давлат тилидаги фирма номи (кирилл алифбосида):

- тўлиқ номи – **«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки;**
- қисқартирилган номи – **«Микрокредитбанк» АТБ.**

Банкнинг давлат тилидаги фирма номи (лотин алифбосида):

- тўлиқ номи – **«Mikrokreditbank» aksiyadorlik-tijorat banki;**
- қисқартирилган номи – **«Mikrokreditbank» АТБ.**

Банкнинг рус тилидаги фирма номи:

- тўлиқ номи – **Акционерно–коммерческий банк «Микрокредитбанк»;**
- қисқартирилган номи – **АКБ «Микрокредитбанк».**

Банкнинг инглиз тилидаги фирма номи:

- тўлиқ номи – **Joint-Stock Commercial Bank «Microcreditbank»;**
- қисқартирилган номи – **JSCB «Microcreditbank».**

2. БАНКНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ, ЖОЙЛАШГАН ЖОЙИ (ПОЧТА МАНЗИЛИ)

2.1. Банк Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулкига эга, ўз номидан мулкый ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.2. Банк ўзининг фирма номидан фойдаланишда мутлақ ҳуқуққа эга. Банк ўзининг давлат тилида тўлиқ ёзилган фирма номи ва тимсоли тасвирланган юмалоқ муҳрига (муҳрда қўшимча равишда фирма номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин), ўз номи ёзилган штампи ва бланкаларига, ўз тимсолига эга, шунингдек бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

2.3. Банк универсал банк бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг банк тизимига кирази ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлари, шунингдек мазкур Уставга амал қилади.

2.4. Банк акциядор ёки ҳар қандай манфаатдор шахснинг талабига биноан Уставда белгиланган муддатларда уларга банк Устави, шу жумладан, унга доир ўзгартишлар ва

кўшимчалар билан танишиб чиқиш имкониятини бериши ва банк акциядорининг талабига биноан банкнинг амалдаги Уставидан нусха олиб бериши шарт.

2.5. Банк ўз мажбуриятлари, шунингдек аҳоли омонатлари юзасидан ўзига тегишли барча мол – мулки билан жавобгар.

2.6. Акциядорлар банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тўлайдилар.

2.7. Акциялар ҳақининг ҳаммасини тўламаган акциядорлар банк мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

2.8. Банк ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.9. Банкнинг мол-мулки унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, банк акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромад, қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа асосларда олинган бошқа мол-мулклардан ташкил топади.

2.10. Банк юридик шахс мақомига эга шўъба ва тобе хўжалик жамиятларни ташкил этишга ҳақлидир.

2.11. Банк корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда ва уларнинг хўжалик фаолиятида ўз маблағлари билан, шу жумладан улуш қўшиш асосида қатнашиш ҳуқуқига эга.

2.12. Банк ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларда қатнашиши мумкин.

2.13. Банк тижорат операцияларини амалга оширишга доир қарорлар қабул қилишда мустақилдир.

2.14. Банк фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади ва ўз фаолиятини Марказий банк томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширади.

2.15. Банкнинг жойлашган жойи (почта манзили): 100096, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 14 уй.

2.16. Банкнинг электрон почта манзили: info@mikrokreditbank.uz, веб сайти: www.mikrokreditbank.uz.

3. БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

3.1. Банк ўз фаолиятини тижорат асосида амалга оширади ва банкнинг фаолият мақсади фойда олишдир.

3.2. Банк операцияларни бажариш ва пул маблағларини сақлаш учун Марказий банк муассасаларида вакиллик ҳисобварақларига эга. Банк бошқа банкларда вакиллик ҳисобварақларини очиши мумкин.

3.3. Банк ўз фаолиятида қуйидаги банк операцияларини амалга оширади:

- жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан вакил банкларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ҳисоб варақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш ва касса хизматларини кўрсатиш;
- омонатларни жалб этиш;
- кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шarti билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш;
- маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш;
- пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш;

- учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш;
- учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш;
- қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни ишончли бошқариш, инвестиция воситачиси ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш;
- банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизматини кўрсатиш;
- жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки бинолар ичидаги пўлат сандиқларни ижарага бериш;
- юридик ва жисмоний шахслардан (резидент ва норезидент) нақд ва нақдсиз чет эл валютасини сотиб олиш, уларнинг ҳисоб варақларидаги чет эл валютасини сотиш;
- чет эл молиявий институтлари маблағларини жалб этиш ва уларни иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига, қишлоқ хўжалиги корхоналарига, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ва бошқа мақсадларга йўналтириш;
- халқаро банк амалиётида қабул қилинган экспорт импорт ва бошқа операциялар бўйича мижозларнинг тўловларини амалга ошириш;
- электрон пластик карточкаларни жорий қилиш ва мижозларга электрон банк хизматларини кўрсатиш;
- молиявий лизинг ва факторинг хизматлари;
- бюджет маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган тадбирларни молиялаштириш бўйича операциялар амалга ошириш;
- микромолиялаштириш ва микрокредитлар бериш бўйича чет эл инвестицияларини ва грантларни жалб қилиш.
- халқаро банк амалиётига мувофиқ, лицензияда махсус кўрсатилган бошқа операцияларни бажариш.

3.4. Банк қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни қонунчиликда белгилаб қўйилган тартибда амалга ошириш ҳуқуқига эга.

3.5. Банк бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

3.6. Банк юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини жалб қилади ва уларни депозит ҳисобварақларида (талаб қилиб олингунча, жамғарма, муддатли ва бошқа турдаги депозит ҳисобварақларда) ва бошқа мажбуриятли ҳисобварақларда сақлайди.

3.7. Банкнинг мижозлар ва бошқа контрагентлар билан ўзаро муносабатлари шартнома асосида тартибга солинади.

3.8. Банк томонидан кредитлар жисмоний ва юридик шахсларга қайтаришлик, муддатлилик, таъминланганлик, тўловлилик, фойзлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида берилади. Кредитларни бериш қарз олувчилар билан тузиладиган кредит шартномалари асосида амалга оширилади. Кредитлаш шартлари банк томонидан белгиланади.

3.9. Банк томонидан ажратиладиган кредитлар амалдаги қонунчиликка мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган кўчар ва кўчмас мулк гарови, кафолатлар, кафилликлар ва банк амалиётида қабул қилинган бошқа усуллар билан таъминланади. Банк мазкур таъминотларнинг етарлилигини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тавсия ва ўрнатган тартибларини ҳисобга олган ҳолда белгилайди.

3.10. Банкнинг филиаллари банк уставида белгиланган барча турдаги банк операцияларини ўз низомлари доирасида амалга оширадilar ва пуллик хизматларни кўрсатадилар.

3.11. Чет эл валютасидаги операциялар Марказий банк томонидан берилган Бош лицензия ва Марказий банк томонидан белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади.

4. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Ўз фаолиятини амалга ошириш ва олдида турган вазифаларни бажариш учун банк куйидаги ҳуқуқларга эгадир:

- мижозларга кўрсатиладиган хизматлар учун воситачилик ҳақи миқдорини мустақил белгилаш;
- шартнома асосида юридик ва жимоний шахслар томонидан берилган маблағларни депозитлар, кредитлар шаклида бошқа банклардан жалб этиш ва бошқа банкларга жойлаштириш;
- омонатчилар ва қарз олувчилар билан келишувга мувофиқ депозитлар ва бериладиган кредитлар бўйича фойиз ставкаларини мустақил белгилаш;
- ташкил этиладиган ҳисоб-китоб марказлари ва вакиллик ҳисобварақлари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- барча солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлаб бўлингандан кейин банк тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобидан заҳиралар ва фондларни ташкил этиш;
- кредит ажратилаётган юридик шахс, ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан ҳисоботлар, баланслар ва уларнинг тўлов қобилиятини, шунингдек берилган кредитлар таъминланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш;
- ўз маблағлари ёки банк кредитлари иштирокида объектларни қуриш, техника билан қайта жиҳозлаш ва бошқа хўжалик фаолиятини амалга ошириш бўйича мўлжалланаётган лойиҳа ечимлари экспертизадан ўтказилишини талаб қилиш;
- қарздорнинг тўловга қодир эмаслиги эътироф этилганда, у кредитни таъминлаш бўйича мажбуриятларини бажармаганда, кредитдан мақсадли фойдаланиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бузилганда, ҳисоботларда нотўғри маълумотлар аниқланганда ёки бухгалтерия ҳисобида камчиликларга йўл қўйилганда, шунингдек кредит шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда кредитни бундан буён беришни тўхтатиш ва берилган суммаларни муддатидан олдин ундириб олиш;
- ўз молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган, қонун ҳужжатларида, лицензияда ва Уставда назарда тутилган бошқа ҳаракатлар ва операцияларни бажариш.
- ҳомийлик ва хайрия фаолиятини амалга ошириш;
- қонунчиликка мувофиқ, ўз ходимлари учун қўшимча иш таътиллари, қисқартирилган иш куни, иш тартиби ва бошқа ижтимоий имтиёزلарни ташкил этиш.

4.2. Банкнинг мажбуриятлари:

- Марказий банкда маблағлар заҳирасини яратиш ҳамда белгиланган иқтисодий нормативларга риоя этиш бўйича Марказий банк томонидан ўрнатилган талабларни бажариш;
- Марказий банкнинг топшириғига кўра Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг касса ижросига доир операцияларни бажариш;
- бериладиган кредитларни таъминлаш бўйича гаров, қафолат, кафиллик ва мажбуриятларнинг етарлилигини ҳисобга олувчи ички норматив тартибни ўрнатиш;
- кредитлар ва лизинг бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши Марказий банк томонидан белгиланган миқдорларда ва тартибда заҳиралар ташкил этиш;
- ўз мижозлари ва вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ҳамда жамғармаларига доир маълумотларни, шунингдек банк сирини ташкил этувчи бошқа маълумотларни сир сақлаш;
- ўз фаолиятига доир ахборотни Марказий банк томонидан белгиладиган тартибда ошкор қилишни амалга ошириш;
- банкда ички аудит хизматини таъминлаш.

4.3. Мижозларнинг банкдаги ҳисобварақларида, омонатларида турган ёки сақлаш учун қўйилган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматликлари фақат қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда хатланиши ёки уларга ундирув қаратилиши мумкин.

4.4. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар судга, суд ижросисига, прокуратура, тергов ва суриштирув органларига, шунингдек давлат солиқ хизмати органларига қатъий равишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилади.

4.5. Мижозлар шубҳали операцияларни амалга оширган тақдирда, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборот жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш чораларини амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилади.

4.6. Банкнинг мансабдор шахслари ва хизматчилари банк сирини ошкор қилганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

4.7. Банкнинг тижорат сирини тоифасига киритилган ахборот билан банкда ишлаш тартиби ва у билан ишлаш тартибини бузганлик учун жавобгарлик банк Бошқаруви томонидан белгиланади.

5. БАНК УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

5.1. Банкнинг Устав капитали Акциядорлар сотиб олган банк акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

5.2. Банкнинг устав капитали миқдори 200 165 965 488 (икки юз миллиард бир юз олтмиш беш миллион тўққиз юз олтмиш беш минг тўрт юз саксон саккиз) сўмни ташкил қилади ва номинал қиймати 1068 (бир минг олтмиш саккиз) сўм бўлган 187 286 316 (бир юз саксон етти миллион икки юз саксон олти минг уч юз ўн олти) дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 135 000 (бир юз ўттиз беш минг) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли жойлаштирилган акциялардан иборат.

а) Банкнинг Устав капиталини кўпайтириш тартиби

5.3. Банкнинг Устав капитали акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

5.4. Банк Устав капиталини акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш ва Банк Уставига тегишли ўзгартиришларни киритиш тўғрисидаги қарор Банкнинг Кузатув Кенгаши томонидан қабул қилинади.

5.5. Устав капиталини акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш фақат Банкнинг ўз капиталини капитализация қилиш ҳисобига амалга оширилади.

5.6. Қўшимча акциялар Банк томонидан ушбу Уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.

5.7. Банк Уставида белгиланган эълон қилинган акциялар сони ва тури доирасида қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан банк Устав капиталини кўпайтириш ва Банк уставига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қарорлар банкнинг Кузатув Кенгаши томонидан қабул қилинади.

5.8. Банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш Банкнинг ўз капиталини капиталлаштириш ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

5.9. Банкнинг устав капиталини унинг ўз капитали ҳисобидан қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида

таксимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, аини ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Банкнинг устав капитали кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Банкнинг устав ~~капитали~~ кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

5.10. Банкнинг устав капиталини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча оддий ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

5.11. Банкнинг устав капиталини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда банк уставида кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

5.12. Банкнинг устав капиталини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Банкнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

б) Банкнинг Устав капиталини камайтириш тартиби

5.13. Банкнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Банк томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

5.14. Банкнинг устав фондини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.

5.15. Агар Устав капитали камайтирилиши натижасида унинг миқдори банк Уставидаги тегишли ўзгаришларни қайд қилиш санасида аниқланадиган, Марказий банк томонидан белгиланган Устав капиталининг энг кам миқдоридан камайтиб кетса, банк Устав капитали миқдорини камайтиришга ҳақли эмас.

5.16. Устав капиталини камайтириш ва банк Уставига тегишли ўзгаришлар киритиш ҳақидаги қарор банк акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

5.17. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши Устав капиталини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

5.18. Устав капиталини камайтириш вақтида банк тугатилганида назарда тутиладиган акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш шартларига риоя этилиши зарур.

5.19. Банк ўзи жойлаштирган акцияларни акциядорлар умумий йиғилишининг жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтириш йўли билан Банк устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида Банк Қузатув кенгашининг қарорига кўра олишга ҳақли.

5.20. Акцияларни сотиб олиш тўғрисидаги қарорда сотиб олинадиган акцияларнинг турлари, Банк сотиб оладиган ҳар бир турдаги акциянинг сони, сотиб олиш нархи, акциялар ҳақини тўлаш шакли ва муддати белгилаб қўйилиши лозим.

5.21. Банк акцияларини сотиб олиш вақтида уларга пул билан ҳақ тўланади.

5.22. Банк томонидан оддий ва имтиёзли акцияларни сотиб олиш нархи бозор баҳосига мувофиқ белгиланади.

5.23. Банк тасарруфига ўтган акциялар овоз бериш ҳуқуқини бермайди, овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ҳисоблаб чиқарилмайди.

5.24. Кейинчалик қайта сотиш мақсадида Банк тасарруфига ўтган акциялар улар Банк тасарруфига ўтган пайдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши керак, акс ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши Банкнинг устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим. Кўрсатилган муддатда реализация қилинмаган акциялар бекор қилиниши керак.

5.25. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб банк кечи билан 30 кун ичида бу қарор хусусида ўз кредиторларини ёзма равишда хабардор қилади. Кредиторлар банкнинг Устав капиталини камайтириш тўғрисида ўзларига хабарнома юборилган санадан эътиборан кечи билан 30 кун ичида банкдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин ижро этишни ва Устав капитали камайтирилиши билан боғлиқ зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

6. БАНК АКЦИЯЛАРИ ТУРЛАРИ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ ВА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АКЦИЯЛАР

6.1. Банкнинг акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзли акцияларга бўлинади.

6.2. Оддий акцияларни имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди.

6.3. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси — банк акциядори деб эътироф этилади.

6.4. Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, Банкни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

6.5. Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек Банк тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига Банк фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради.

6.6. Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий ёки имтиёзли акция Банкнинг овоз берувчи акциясидир.

6.7. Банк акцияларининг номинал қиймати 1068 (бир минг олтамиш саккиз) сўм.

6.8. Банк чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим.

6.9. Эълон қилинган акциялар: Банк Устав капиталини ошириш мақсадида, жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларининг миқдори номинал қиймати 1068 (бир минг олтамиш саккиз) сўмлик 80 000 000 (саксон миллион) дана умумий қиймати 85 440 000 000 (саксон беш миллиард тўрт юз қирқ миллион) сўм бўлган, эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги, оддий акциялардан иборат.

7. БАНК АКЦИЯЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

7.1. Банк акцияларни ва акцияларга айирбошладиган қимматли қоғозларни очик ва ёпик обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

7.2. Акциялар ва акцияларга айирбошладиган қимматли қоғозларни жойлаштириш (очик ёки ёпик обуна) усуллари қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор билан белгиланади.

7.3. Акцияларнинг очик обунаси фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида ўтказилади.

7.4. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи Банк Кузатув кенгаши

томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

7.5. Банк томонидан эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

7.6. Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор бир вақтнинг ўзида бир чиқарилишдаги қимматли қоғозларни хусусий (ёпиқ обуна) ва оммавий (очиқ обуна) жойлаштиришни назарда тутмаслиги керак (Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Хукумати қарорларидан келиб чиқувчи ҳолатлар бундан мустасно).

7.7. Банкнинг қимматли қоғозлари очиқ обуна йўли билан жойлаштирилган тақдирда бир инвесторнинг (инвесторларнинг) бошқаси (бошқалари) олдидаги устунлигини белгилаш тақиқланади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) Банк акциядорларига қўшимча чиқарилган акцияларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда имтиёзли олиш ҳукуқи тақдим этилганида;

б) Банк томонидан норезидентларга нисбатан қимматли қоғозларни олишга чекловлар қўйилганида;

в) Банк томонидан облигацияларни шахслар (жисмоний ёки юридик шахслар) доирасини белгилаш орқали сотиб олишга чекловлар қўйилганида.

7.8. Банкнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш Банк акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

7.9. Банкнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

7.10. Банкнинг акцияларига ва бошқа қимматли қоғозларига ҳақ тўлаш фақат пул маблағлари билан амалга оширилади.

7.11. Банкнинг акциялари уларнинг ҳақи тўлиқ тўланганидан кейин унинг эгасига берилади.

7.12. Акциянинг ҳақи тўлиқ тўлангунга ва унинг янги эгаси акциядорлар реестрида рўйхатга олингунга қадар акция овоз ҳуқуқини бермайди.

7.13. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ Банк жойлаштирилган акцияларни йириклаштиришга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида Банкнинг икки ёки ундан ортиқ акцияси худди шу турдаги битта янги акцияга айирбошланади. Бунда Банк уставига унинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қийматига ва сонига тааллуқли тегишли ўзгаришлар киритилади.

7.14. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Банк жойлаштирилган акцияларни майдалашни амалга оширишга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида Банкнинг бир акцияси худди шу турдаги икки ёки ундан ортиқ акцияга айирбошланади. Бунда Банк уставига Банкнинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қийматига ва сонига тааллуқли тегишли ўзгаришлар киритилади.

7.15. Банк ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайтариб сотиб олиш шarti билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас.

7.16. Банк қонун ҳужжатларига мувофиқ облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ва жойлаштиришга ҳақли.

7.17. Банк акцияларини сотиб олиш учун қуйидаги шахслар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг олдиндан рухсатини олишлари шарт:

а) Ўзбекистон Республикаси норезидентлари;

б) эллик фоиздан ортиқ акциялари (иштирокчилар бадаллари) Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг эгалигида, фойдаланувида ва(ёки) тасарруфида бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари - юридик шахслари.

7.18. Қўйидаги шахслар банк акциядорлари бўла олмайдилар:

а) оффшор ҳудудларда рўйхатга олинган норезидент юридик шахслар;

б) оффшор ҳудудларда истикомат қиладиган чет эл фуқаролари;

в) давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, жамоат фондлари, халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, бюджетдан ташқари жамғармалар, агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳолатлар кўзда тутилмаган бўлса.

7.19. Банк акциядорларининг сони чегараланмаган.

7.20. Банк ўзи жойлаштирган қимматли қоғозлар эркин айирбошланиши мумкин бўлган акциялар берадиган ҳуқуқларни чеклаш ҳақида ушбу қимматли қоғозлар эгаларининг розилигисиз қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

8. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Банкнинг оддий акциялари эгаси қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- Банкнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
- ўзига тааллуқли депозитарийдаги депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;
- Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Банкни бошқаришда иштирок этиш;
- Банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;
- Банк акциялари берадиган ҳуқуқларни (ҳуқуқларнинг бир қисмини) қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (вакилларига) бериш;
- Банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар ва уларнинг нархномалари тўғрисида ахборот олиш;
- ўзларига тегишли акцияларни бошқа акциядорларнинг ва Банкнинг розилигисиз ўзга шахсга бериш ҳуқуқига эга.

8.2. Банкнинг имтиёзли акциялари эгаси қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- Банкнинг акциядорлари реестрига киритилиши;
- ўзига тааллуқли депозитарийдаги депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;
- Банк фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, имтиёзли акциялар эгаларига ушбу Уставнинг 9.12. бандида белгиланган миқдордаги дивидендларни биринчи навбатда олиш;

- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- Банк тугатилган тақдирда имтиёзли акцияларга белгиланган тугатиш қийматини биринчи навбатда олиш;
- Банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- қимматли қоғозларни харид қилиш чоғида эҳтимоли бор зарарлар ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиши билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишида банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа жамоат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни харид қилиш чоғида эҳтимоли бор зарарлар ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиши билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш;
- банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар ва уларнинг нархномалари тўғрисида ахборот олиш.
- ўзга акциядорларнинг розилигисиз ўзига тегишли акцияларни учинчи шахсларга бегоналаштириш билан боғлиқ битимларни амалга ошириш.

8.3. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.

8.4. Банкнинг ҳар бир оддий акцияси унинг эгаси бўлмиш акциядорга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради.

8.5. Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.

8.6. Бир турдаги акция унга эгаллик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

8.7. Оддий акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар ушбу уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин.

8.8. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

8.9. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

8.10. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида Банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этадилар. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида Банк уставига имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар, шу жумладан аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдорини белгилаш ёки кўпайтириш ва (ёки) тугатилиш қийматини белгилаш ёки кўпайтириш масалалари, шунингдек имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларга дивиденд ва (ёки) бу акцияларнинг тугатилиш қийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш ҳоллари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқини оладилар.

8.11. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендларни тўлиқ тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан кейинги йиғилишдан бошлаб умумий йиғилишнинг ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан Акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш ҳуқуқи мазкур акциялар бўйича дивидендлар биринчи марта тўлиқ миқдорда тўланган пайтдан бошлаб тўхтатилади.

8.12. Овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар:

- Банкни қайта ташкил этиш тўғрисида;
- жойлаштирилган акцияларни йириклаштириш ҳақида;
- йирик битим тузиш масаласи бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилганда;
- Банкнинг уставига овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чекловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми Банк томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлидир.

Банк акциядорларни ўзларига тегишли акцияларнинг Банк томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи мавжудлиги, қайтариб сотиб олиш нархи ва қайтариб сотиб олишни амалга ошириш тартиби тўғрисида хабардор этиши шарт.

8.13. Акциядорлар мазкур Уставнинг 8.12. бандида кўзда тутилгандан ташқари ҳолларда Банкдан унга тегишли акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилишга ҳақли эмас.

8.14. Банк акциядорларининг мажбуриятлари:

- мазкур Уставда кўрсатилган тартибда, миқдор ва усулларда акцияларнинг нархини тўлаш;
- Мазкур Уставда назарда тутилган чегараларда, Банк бошқарув органларининг қарорларига бўйсуниш;
- Банкнинг сирини ошкор қилмаслик.

8.15. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

9. БАНК ФОЙДАСИНИ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

9.1. Амалдаги қонунчиликка асосан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг, банк фондларига ажратмалар бажарилади. Тақсимланган фойда банк акциядорлари умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартибда ишлатилади.

9.2. Дивидендлар банк тасарруфида қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар банкнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан тўланиши мумкин.

9.3. Дивиденд Банк соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

9.4. Банк акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

9.5. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Банкнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

9.6. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

-банкка нисбатан Марказий банкнинг дивидендлар тўлашни тўхтатиш тўғрисида талаби мавжуд бўлса.

9.18. Банк дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади.

9.19. Дивидендларни тўлаш тартиби ва меъёрлари ушбу Устав ва Банк акциядорларининг Умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

9.20. Банкнинг зарарлари қонунчиликда белгиланган тартибда заҳира фонди маблағлари ҳисобига қопланади.

10. БАНКНИНГ ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ ВА КРЕДИТ РЕСУРСЛАРИ

10.1. Банкнинг ўз маблағлари қуйидагилардан ташкил этилади:

- Устав капитали;
- Қўшилган капитал;
- Заҳира фондлари;
- Тақсимланмаган фойда;
- Банк фаолияти учун зарур бўлган, бошқа даромадлар ҳисобидан ташкил этиладиган ва амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган бошқа фондлар;
- Қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа маблағлар.

10.2. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Банкнинг заҳира фонди кўрилган зарарни қоплаш, банкнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Қонунчиликка мувофиқ акцияларни сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун мўлжалланади.

10.3. Заҳира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

10.4. Банк фондларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомлар банк Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқланади.

10.5. Банк Устав капиталининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда заҳира фонди тузилади.

10.6. Банк заҳира фондига ушбу Уставнинг 10.5. бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан камида 5% миқдорда ажратмалар ўтказди.

10.7. Заҳира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

10.8. Банк соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоб-китоб маълумотлари бўйича белгиланган тартибда баҳоланади.

10.9. Банкнинг кредит ресурслари қуйидагилар ҳисобига шаклланади:

- Банкнинг ўз маблағлари (сотиб олинган асосий воситалар қиймати, бошқа юридик шахслар Устав капиталида иштирок улушига қилинган қўйилмалар ва ўзга иммобилизация қилинган маблағлардан ташқари);
- юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларидаги маблағлари;
- фуқароларнинг муайян муддатга ва талаб қилиб олингунча жалб қилинган омонатлари;
- бошқа банкларнинг депозитлари ва кредитлари;
- имзоланган битимлар ва шартномаларга мувофиқ жалб қилинадиган чет эл давлатларнинг корхоналари ва банклари маблағлари;
- облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар жойлаштириш натижасида олинган маблағлар;
- банк томонидан жалб қилинган бошқа маблағлар;

- банкнинг молия йили мобайнида тақсимланмаган фойдасидан кредит ресурслари сифатида фойдаланилиши мумкин.

11. БАНКНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

11.1. Банк бошқарув органлари қуйидагилардан иборат:

- Акциядорларнинг Умумий йиғилиши;
- Банк Кузатув Кенгаши;
- Ижроия органи (Бошқарув).

12. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

12.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Банкнинг юқори бошқарув органидир.

12.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Банк Кузатув Кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Банк Кузатув Кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

12.3. Банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

12.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида банк Кузатув Кенгаши ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, Банк Бошқарув Раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Банкнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлар кўриб чиқилади.

12.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланади.

12.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана ва уни ўтказиш тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати банк Кузатув Кенгаши томонидан белгиланади.

12.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- а) Банк Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- б) банкни қайта ташкил этиш;
- в) Банкни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- г) Банк Кузатув Кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;
- д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- е) Банкнинг Устав капиталини камайтириш;
- ж) ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;
- з) Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Банк ижроия органининг фаолияти тартибини белгилаб берувчи Низомни тасдиқлаш;
- и) Банк тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш. Тафтиш комиссияси аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;

- к) Банкнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;
- л) Банкнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- м) Банк Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Банкни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Банк кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссияси ҳулосаларини эшитиш;
- н) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- о) акциядорнинг Банк акциялари ёки бошқа қимматли қоғозларини сотиб олишга доир имтиёзли ҳуқуқини қўллагаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;
- п) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- р) Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- с) Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Банкнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- т) Кузатув кенгашининг тавсияси бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш, уларнинг миқдори ва акцияларнинг ҳар бир тоифаси ва тури бўйича тўлов шакли ва тартибини белгилаш;
- у) қонунчиликда ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

12.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Банкнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

12.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Банкнинг Кузатув Кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, Банкнинг ижроия органини тузиш, Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш), Бошқарув раисининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласи бундан мустасно.

12.10. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори, агар Қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, йиғилишда иштирок этаётган Банк овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

12.11. Мазкур Уставнинг 12.7. бандидаги а), б), в), д), м), р) қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар, акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.

12.12. Ушбу Уставнинг 12.7. бандидаги а) ва т) қисмларда кўрсатилган масалалар бўйича қарор, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан фақат кузатув кенгашининг таклифига биноан қабул қилинади.

12.13. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

12.14. Агар акциядор узрли сабабга кўра акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

12.15. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари амалдаги қонунчиликда ва ушбу уставда назарда тутилган тартибда, ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан 30 кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

12.16. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган Банк акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

12.17. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин, Банкни қайта ташкил этиш масаласи

кўрилган ҳолда йиғилиш ўтказилишидан 30 кун олдин Банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

12.18. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

12.19. Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Банкнинг молия йили тугаганидан кейин 60 (олтмиш) кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Банк кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

12.20. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Банк Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, Тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг ёзма талаби асосида ўтказилади.

12.21. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини талаб қилаётган акциядорларга тегишли овоз берувчи акциялар улуши бундай талабни кўрсатиш санасида аниқланади.

12.22. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

12.23. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг тақрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг тақрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган тақрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг тақрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

12.24. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

12.25. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

12.26. Акциядорлар умумий йиғилишини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади ва Банкнинг “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

13. БАНК КУЗАТУВ КЕНГАШИ

13.1. Банкнинг Кузатув Кенгаши Банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, амалдаги қонунчилик ва Банк устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

13.2. Банк Кузатув Кенгаши ўз иштини амалдаги қонунчилик, ушбу Устав ва Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Банк Кузатув Кенгаши тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширади.

13.3. Банк Кузатув Кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- а) Банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- б) Банк акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари Умумий йиғилишларини чақириш, амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- в) акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- г) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- д) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Банк акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- е) Ушбу Уставнинг 12.7. бандидаги а) ва т) қисмларида кўрсатилган масалаларни ҳал этишни акциядорларнинг Умумий йиғилишига киритиш;
- ж) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- з) Банкнинг устав капиталини кўпайтириш ва Банк уставига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- и) акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш шунингдек аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- к) аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- л) акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- м) Банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда Банкнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқланиши лозим;
- н) Банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида ва корпоратив облигацияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- о) Банк томонидан депозит сертификатлари ва бошқа қарз мажбуриятларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- п) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- р) Банк бошқаруви аъзоларини (Бошқарув раисидан ташқари) лавозимга тайинлаш уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- с) Банкнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;
- т) корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
- у) Банкнинг ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва ички аудит хизмати тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- ф) Банк Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан тавсиялар бериш;
- х) Банкнинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроия органидан Банк Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан Банк Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;
- ц) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- ч) Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш (Йирик битим тузиш масаласи бўйича Банк кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала Кузатув кенгашининг

қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқиши мумкин);

ш) Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Банкнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

щ) Банкнинг заҳира фонди ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

ы) Банкнинг филиалларини ташкил этиш ҳамда ваколатхоналарини очиш ва тугатиш;

э) Банкнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;

ю) Банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

я) ушбу Устав ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ Банк Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш.

13.4. Банк Кузатув Кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Банк Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

13.5. Банк Кузатув Кенгашининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 майдаги 78 – сонли Қарори, ушбу Устав ва Банкнинг ички ҳужжатлари билан белгиланади.

13.6. Банк Кузатув Кенгашининг аъзолари амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Банк Кузатув Кенгаши 9 (тўққиз) кишидан иборат таркибда сайланади.

13.7. Банк Кузатув Кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

13.8. Банк Бошқарув аъзолари ва Бошқарув раиси банк Кузатув Кенгашига сайланиши мумкин эмас.

13.9. Банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар банк Кузатув Кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

13.10. Банк Кузатув Кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар акциядорлар Умумий йиғилишида тасдиқланган “Банк Кузатув Кенгаши тўғрисида”ги Низомида белгилаб қўйилади.

13.11. Банк Кузатув Кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

13.12. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Банкнинг Кузатув Кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариха олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Банк Кузатув Кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

13.13. Банк Кузатув Кенгашининг раиси банк Кузатув Кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан банк Кузатув Кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

13.14. Банк Кузатув Кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

13.15. Банк Кузатув Кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, банк Кузатув Кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади ва Акциядорлар умумий йиғилишларида раислик қилади.

13.16. Банк Кузатув Кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини банк Кузатув Кенгаши аъзоларидан бири бажариб туради.

13.17. Банк Кузатув Кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум, Кузатув Кенгашига сайланган аъзолар сонининг етмиш беш фоизини ташкил қилади.

13.18. Банк Кузатув Кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Банк Кузатув Кенгаши мажлисида

масалалар ҳал этилаётганда Кузатув Кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Мазкур Уставнинг 5.4., 5.7. бандида ва 13.2 бандининг з), ч) қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор Банк Кузатув Кенгаши томонидан бир овоздан (якдиллик билан) қабул қилинади.

13.19. Банк Кузатув Кенгаши аъзоларининг сони Ушбу Уставнинг 13.6. бандида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Банк Кузатув Кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув Кенгашнинг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Банк ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

13.20. Банк Кузатув Кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда банк Кузатув Кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга.

13.21. Банк Кузатув Кенгашнинг бир аъзоси ўз овозини банк Кузатув Кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас.

13.22. Банк Кузатув Кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, банк Кузатув Кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

13.23. Банк Кузатув Кенгаши қарорлари билан банк акциядорлари таништирилиши мумкин (тижорат сири бўлган қарорлардан ташқари). Банк акциядорлари банкнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлари билан ҳам танишишлари мумкин.

13.24. Банк Кузатув Кенгашнинг қарорлари сирtdан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Банк Кузатув Кенгашнинг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

13.25. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра, Банк Кузатув Кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган даврда ҳақ тўланиши ва Кузатув Кенгашнинг аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдори акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгилаб қўйилади.

13.26. Банк Кузатув Кенгашнинг аъзолари, ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Банк манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

13.27. Банк Кузатув Кенгаши аъзолари банк ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ жавобгар бўладилар.

13.28. Банкга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Банк Кузатув Кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

14. БАНКНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ (БОШҚАРУВ)

14.1. Банкнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик ижроия орган – банк Бошқаруви томонидан амалга оширилади. Бошқарув фаолиятига банк Бошқарув Раиси раҳбарлик қилади.

14.2. Банк Бошқаруви 7 (етти) нафар аъзодан иборат бўлиб, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари ва банк Кузатув Кенгаши ваколатларига киритилган масалалардан ташқари барча масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга.

14.3. Банк Бошқаруви таркибига Бошқарув Раиси, унинг ўринбосарлари, Бош бухгалтер, шунингдек Банкнинг асосий бўлинмалар раҳбарлари кириши мумкин.

14.4. Банк Бошқаруви банкнинг коллегиял ижроия орган асосидаги ижро этувчи орган ҳисобланиб, унинг жорий фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, банк Устави, Акциядорлар умумий йиғилиши ва банк Кузатув Кенгашнинг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

14.5. Банк Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилиши ва банк Кузатув Кенгашига ҳисобот беради.

14.6. Бошқарув Раиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки касбга мувофиқликни аниқлаш комиссиясининг ижобий хулосаси асосида акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тайинланади.

14.7. Банк Бошқарув аъзолари Банк Кузатув Кенгаши томонидан қонунчиликда ва мазкур Уставда белгиланган тартибда бир йиллик муддатга сайланадилар (тайинланадилар).

14.8. Банк Бошқаруви Раиси билан меҳнат шартномасини Банк номидан Банк Кузатув Кенгаши раиси имзолайди. Бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномаларини Банк номидан Банк Кузатув Кенгаши раиси ёки Банк Кузатув Кенгаши ваколат берган шахс имзолайди.

14.9. Мазкур Уставга ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ банк ходимлари билан меҳнат шартномасини банк Бошқаруви Раиси, банк филиаллари ходимлари билан банк филиалларининг раҳбарлари тузадилар.

14.10. Банк Бошқаруви Акциядорлар умумий йиғилиши ва банк Кузатув Кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

14.11. Банк Бошқаруви ушбу Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Ижроия органи тўғрисида”ги Низом асосида иш олиб боради.

14.12. Банк Бошқарувининг мажлиси зарур ҳолларда, бироқ бир ойда камида бир марта ўтказилади. Банк Бошқаруви томонидан Кенгаш ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиладиган масалалар мажбурий тартибда Бошқарув мажлисида олдиндан муҳокама этилади. Бошқарувнинг фикри ҳақида Кенгашда ва Акциядорларнинг умумий йиғилишида Бошқарув Раиси ёки у томонидан ваколат берилган Бошқарув аъзоси ахборот беради ва ҳимоя қилади.

14.13. Банк Бошқаруви унинг кун тартибига киритилган масалаларни, агар мажлисда Бошқарув аъзоларининг 60 фоизидан ортиқ қисми қатнашса, ҳал қилишга ҳақлидир.

14.14. Банк Бошқаруви мажлисида қарорлар мажлисда қатнашаётган Бошқарув аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бошқарув мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда банк Бошқаруви Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади. Мазкур Уставнинг 14.17. бандининг е) қисмида кўрсатилган масала бўйича қарор мажлисда иштирок этаётган Банк Бошқаруви аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

14.15. Банк Бошқаруви томонидан қабул қилинган қарорга рози бўлмаган Бошқарув аъзолари ўз фикрларини банк Кузатув Кенгашига билдиришлари мумкин.

14.16. Бошқарув мажлисида баённома юритилади. Баённома мажлисда иштирок этаётган Банк Бошқарув аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади. Бошқарув мажлисининг баённомаси Кузатув Кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларига, шунингдек аудиторга уларнинг талабига кўра берилади.

14.17. Банк Бошқарувининг мажбуриятлари ва ваколатларига қўйидагилар киради:

а) Банкнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

б) Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар Умумий йиғилишининг ёки Банк Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;

в) Банк шўба корхоналари, ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарор, буйруқ ва фармойишлар чиқариш;

г) Банкни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

д) мазкур Уставга мувофиқ Акциядорлар умумий йиғилиши ёки Банк кузатув Кенгаши томонидан кўриб чиқилиши лозим бўлган масалаларни олдиндан кўриб чиқиш ҳамда улар бўйича тегишли материаллар, таклифлар ва қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш.

е) ўз ваколати доирасида мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим тузиш (битим тузиш масаласида Банк Бошқаруви яқдиллигига эришилмаган ҳолларда битим тузиш тўғрисидаги масала Банк бошқаруви қарорига мувофиқ Кузатув кенгаши ҳукмига ҳавола этилиши мумкин);

ж) ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг Умумий йиғилишига ва Банк Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

з) ўз ваколатлари доирасида Банкнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

и) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, ҳамда Банк ички ҳужжатларига риоя қилиш;

к) Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчиликка ва бошқа қонун ости ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки меъёрий ҳужжатларига ҳамда Банк ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14.18. Банк Бошқарув раисининг ваколатларига қўйидагилар киради:

а) ўзининг ваколатлари доирасида Банкнинг ишига раҳбарлик қилиш;

б) Банк Кузатув Кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

в) Банк номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилади;

г) Банк мижозлари билан шартномалар ва контрактлар тузади;

д) штатларни белгилайди, Банк ходимларини ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади, ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлайди;

е) Банкларда вакиллик ва бошқа ҳисобварақларни очади;

ж) Банк номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;

з) Банк номидан Банк филиаллари раҳбарлари билан меҳнат шартномаларини тузади;

и) Банкнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

к) ўз ваколати доирасида Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди;

л) амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Банкда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, тегишли расмийлаштирилганлиги ва ишончилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Банк фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди;

м) Банкнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Банк Кузатув Кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Банк аудитори талабига кўра тақдим этади;

н) давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга ўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

о) Банк сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш, агар бундай ахборотни учинчи шахсларга бериш унинг вазифалари доирасига кирмаса. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Банк Бошқаруви томонидан белгиланади;

п) хизмат, тижорат ва Банк сирини ташкил этувчи ахборотнинг Банк ходимлари томонидан сақланишини таъминлайди;

р) Банкни малакали кадрлар билан таъминлайди, Банк ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан оқилона фойдаланиш чораларини кўради;

с) Банк ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлайди;

т) Банк акциядорларининг умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлайди;

у) Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчиликка ва бошқа қонун ости ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки меъёрий ҳужжатларига ҳамда Банк ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14.19. Банк Кузатув Кенгаши Банкнинг Бошқаруви аъзолари билан тузилган шартномани, агар шартнома тузишда улар Банк Уставини қўпол тарзда бузишга йўл қўйган бўлса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Банкга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

14.20. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тайинланган Бошқарув раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, Кенгаш қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини Банк Акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишигача бўлган даврда вақтинча бажариб туришига йўл қўйилади.

14.21. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари Банк Бошқаруви органларида ўриндошлик асосида ишлашга ҳақли эмаслар.

14.22. Банк Бошқарув Раиси ва аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Банк манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

14.23. Банк Бошқарув Раиси ва аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек Банк манфаатлари йўлида амалга оширишга мажбурдирлар.

14.24. Банк Бошқарув раиси ва аъзолари Банк ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ жавобгар бўладилар.

14.25. Банкга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Банк Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

15. БАНКНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

15.1. Тафтиш комиссияси.

15.1.1. Тафтиш комиссияси Банкнинг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга оширади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши 5 (беш) кишидан иборат тафтиш комиссиясини 1 йил муддатга сайлайди.

15.1.2. Банк тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс тафтишч комиссияси аъзолигига кетма-кет 3 мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

15.1.3. Банк тафтиш комиссиясининг ваколатлари амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав билан белгиланади.

15.1.4. Банк тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Банк Тафтиш комиссияси тўғрисида»ги Низомда белгилаб қўйилади.

15.1.5. Банк тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра Банк ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар Банкнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

15.1.6. Банк тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Банк Кузатув Кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу Банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

15.1.7. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, Банк кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Банк кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

15.1.8. Банкнинг тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликга мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

15.1.9. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра Банкнинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

- Банкнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончилигига доир баҳо;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга ошириладиганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

15.1.10. Тафтиш комиссияси Банк томонидан унинг фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя қилинишини, ички Банк назоратининг йўлга қўйилишини, Банк томонидан амалга ошириладиган операцияларнинг қонунийлигини (ялпи ёки танлаб текшириш йўли билан), касса ва мол-мулк ҳолатини текширади.

15.1.11. Тафтиш комиссияси Акциядорлар умумий йиғилишига ёки Банк Кузатув Кенгашига ўтказилган тафтиш тўғрисидаги ҳисоботни, зарур ҳолларда камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсияномалар билан, шунингдек тасдиқлашга тақдим этилган йиллик баланс ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг Банкдаги ишларнинг ҳақиқий аҳволига мувофиқлиги ҳақидаги хулосани, уларни тасдиқлаш бўйича тавсияномалар билан бирга тақдим этади.

15.1.12. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) Банкда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Банк ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Банк кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу модданинг саккизинчи қисмида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

15.2. Ички аудит хизмати

15.2.1. Банкда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Банкнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир. Ички аудит хизмати аъзоларининг сони ва шахсий таркиби амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибда ташкил этилади.

15.2.2. Ички аудит хизмати Банкнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Банк уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Банкни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Банкнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

15.2.3. Ички аудит хизмати фаолияти Банк Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқлаган “Банк ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

15.3. Аудиторлик ташкилоти

15.3.1. Аудиторлик ташкилоти Банк билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик хулосаси тақдим этади.

15.3.2. Аудит, хусусан, капиталнинг етарлилигини баҳолаш, ссудаларни таснифлаш, ссудалар бўйича зарарларни қоплаш, таваккалчиликни ва ликвидликни ўлчашни ўз ичига олади. Аудиторлик текшируви бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозаларига мувофиқ равишда ўтказилиши лозим.

15.3.3. Аудиторлик ташкилоти Банкнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри яқун баён этилган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун Банк олдида жавобгар бўлади.

16. КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИ

16.1. Банкда корпоратив маслаҳатчи лавозими жорий этилади.

16.2. Корпоратив маслаҳатчи Банк Кузатув Кенгаши томонидан тайинланади ва Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлади.

16.3. Корпоратив маслаҳатчи, Компания ва унинг акциядорлари ҳамда инвесторлар ўртасидаги ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш, банк фаолиятида корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажаради.

16.4. Корпоратив маслаҳатчининг иш фаолияти ва батафсил вазифалари Банк Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқлаган “Корпоратив маслаҳатчи тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

17. БАНК ФИЛИАЛЛАРИ, УЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

17.1. Банк номидан Банк операцияларининг барчасини ёки бир қисмини, шу жумладан, филиал жойлашган ҳудудда ваколатхона (вакил) вазифаларини амалга оширувчи алоҳида бўлинма Банк филиали ҳисобланади.

17.2. Банк ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ташкил этиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Банк Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

17.3. Банк Марказий Банкнинг рухсати билан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Банк Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

17.4. Банк филиали Банк томонидан мол-мулк билан таъминланади. Филиал номи Банк номига тўлиқ мос келиши керак.

17.5. Банкнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди. Филиал ўз фаолиятини Банк Кузатув Кенгаши тасдиқлаган филиал тўғрисидаги низом ва Банк томонидан берилган ишончнома доирасида Банкка берилган лицензия асосида амалга оширади.

17.6. Банк филиаллари қонун ҳужжатларига мувофиқ Банк Кузатув Кенгаши қарорига биноан ташкил этилади /туғатилади, ҳамда Марказий Банкда рўйхатга олинади/чиқарилади.

17.7. Банк ҳудудий филиаллари раҳбарлари ва бош бухгалтерлари Банк Бошқаруви раиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки касбга мувофиқликни аниқлаш комиссияси ижобий хулосаси асосида лавозимга тайинланади. Банк Бошқарув Раиси Банк филиаллари раҳбарлари ва бош бухгалтерлари билан Банк номидан меҳнат шартномасини тузади.

18. БАНКНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

18.1. Банкни қайта ташкил этиш (жумладан: қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш ва ўзгартириш) ва тугатиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарори

асосида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

18.2. Банкни қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, Қонуни, шунингдек Марказий Банк томонидан тасдиқланган тегишли Низомларга мувофиқ амалга оширилади.

18.3. Банкни қайта ташкил этиш Банк Акциядорлари Умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклларида Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкдан рухсатнома олган ҳолда амалга оширилади.

18.4. Банк Марказий Банкнинг талабига кўра ҳам қайта ташкил этилиши мумкин.

18.5. Банкнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда Банк фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

18.6. Банк қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- Ихтиёрий равишда, акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суд қарорига асосан;

- Марказий Банк лицензияни чакириб олганида;

- банкрот деб эълон қилинганда;

- амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа сабабларга асосан.

18.7. Банкни тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 53 – 56 моддалари, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари, шунингдек Марказий Банк томонидан тасдиқланган тегишли Низомларда белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

18.8. Банкни қайта ташкил этиш ёки тугатиш ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилинади.

19. МИЖОЗЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

19.1. Хизмат хусусиятига кўра, Банк маълумотларидан хабардор бўлган шахслар мижозларнинг операциялари, ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотларнинг ошкор этилиши учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

19.2. Банк ўз мижозлари ҳамда вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотлар сир сақланишини кафолатлайди. Банкнинг барча ходимлари ва акциядорлари Банк, унинг мижозлари ҳамда вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотларни сир сақлашлари шарт. Мижозларнинг Банкда сақланган пул маблағлари ва бошқа мулкига, шу жумладан фуқароларнинг омонатларига нисбатан фақат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган асослар бўйича ва тартибда ҳибса олиш, ҳамда ундириб олиш чоралари қўлланилиши мумкин.

19.3. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисобварақларига доир операциялар тўғрисидаги маълумотлар қуйидагиларга: ҳисобварақ эгалари, уларнинг қонуний вакиллари ва меросхўрларига, прокурор, суд, суриштирув органлари, солиқ, тергов ва бошқа ваколатли органларга қонунчиликда белгиланган тартибда берилади.

19.4. Банк унга сақлаш учун берилган, омонатларга қўйилган ва бошқа операциялар бўйича пул ва бошқа маблағлар, қимматликларни, ҳамда мулкнинг бут сақланишини кафолатлайди.

19.5. Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки белгилаган меъёрларга мувофиқ ўз баланс тузилмасини тартибга солиш йўли билан зиммасидаги мажбуриятларни

ўз вақтида ва тўлиқ бажариш учун доимий тайёр ҳолатда бўлади.

19.6. Банк жалб қилинган пул маблағларининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки белгилаган меъёрий ажратмаларига мувофиқ, мажбурий заҳиралар фондига депонентлайди.

20. УСТАВГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

20.1. Банк Акциядорларининг Умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида Банк Кузатув Кенгаши томонидан Банк Уставига киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

20.2. Банк Уставига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар ёки Банкнинг янги таҳрирдаги Устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, амалдаги Қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

20.3. Агар мазкур Уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

20.4. Агар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида мазкур Уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қўлланилади.

20.5. Банкнинг ушбу Устави Давлат рўйхатидан ўтказилиши муносабати билан, Банк Акциядорлари умумий йиғилишининг 2013 йил 23 мартдаги қарори билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан 2013 йил 26 апрелда 37-сон билан рўйхатга олинган Банк Устави, ҳамда унга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

Банк Бошқаруви раиси



Хусанов Н.Б.

№ 9 (1000) 2019
РЕКЛАМАНТИН ВА ТИНИЛТАН
10000000

Имзо:

Abdullayev

Имзо:



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида
« 3 » ноябрь 2014 йилда
рўйхатга олинган

Рўйхатга олиш рақами 37-1



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки раисининг
биринчи ўринбосари

Мустафоев У.М.

М.Ў.

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

«ТАСДИҚЛАНГАН»
«Микрокредитбанк» АТБ
Акциядорларининг навбатдан
ташқари умумий йиғилишининг
2014 йил 10 октябрдаги 3-сонли баённома
қарори

Кузатув Кенгаши Раиси



Юсунов Б.М.

М.Ў.

**«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг уставига
киритилган ўзгартиришлар матни**

1. Уставнинг 12.11-банди ўз кучини йўқотсин.
2. Уставнинг 13.18-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Овозга қўйилган масала бўйича Банк Кузатув Кенгашининг қарори, агар Қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Банк Кузатув Кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув Кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга.

LM30.

LM30:



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида

«13» август 2015 йилда
рўйхатга олинган

Рўйхатга олиш рақами 37-2

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки раисининг
биринчи ўринбосари



Мустафоев У.М.

**«МИКРОКРЕДИТБАНК»
акциядорлик-тижорат банки
уставига киритилган қўшимча ва
ўзгартиришлар**

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«Микрокредитбанк» АТБ

Акциядорлари умумий йиғилишининг
2015 йил 26 июндаги қарори

Акциядорлар умумий йиғилиши
раиси

Б.М.Юсупов



**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг уставига
киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар матни**

1. Банк уставига 4.8. янги банд қўшимча киритилсин ва қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4.8. Банкнинг хайрия ва хомийлик учун ажратиладиган йиллик харажатлари миқдори олдинги (базис) йилда олинган соф фойданинг 10 (ўн) фоизидан ошмаслиги шарт. Хайрия ва хомийлик ёрдамлари Банк томонидан олдинги (базис) ҳисобот йилидаги соф фойда қисмида бизнес режа кўрсаткичлари бажарилган ҳолатларда амалга оширилади.»

2. Банк уставининг 6.9. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6.9. Эълон қилинган акциялар: Банк Устав капиталини ошириш мақсадида, жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларининг миқдори номинал қиймати 1068 (бир минг олтмиш саккиз) сўмлик 122 000 000 (бир юз йигирма икки миллион) дона умумий қиймати 130 296 000 000 (бир юз ўттиз миллиард икки юз тўқсон олти миллион) сўм бўлган, эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги, оддий акциялардан иборат.»

3. Банк уставининг 14.6. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бошқарув Раиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки касбга мувофиқликни аниқлаш комиссиясининг ижобий хулосаси асосида акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тайинланади. Бунда Бошқарув раисини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.»

Бошқарув Раиси

Н.Хусанов

Имзо:

Имзо:



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида

«14» июль 2016 йилда
рўйхатга олинган

Рўйхатга олиш рақами 37-3

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки раисининг
биринчи ўринбосари



С.С. Ходжаев

**«МИКРОКРЕДИТБАНК»
акциядорлик-тижорат банки
уставига киритилган қўшимчалар ва
ўзгартиришлар**

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«Микрокредитбанк» АТБ
Акциядорлари умумий йиғилишининг
2016 йил 11 июндаги қарори

Акциядорлар умумий йиғилиши
раиси



Р.К. Касимов

Тошкент-2016

1. Банк уставининг 5.2. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5.2. Банкнинг устав капитали миқдори 250 165 965 060 (икки юз эллик миллиард бир юз олтмиш беш миллион тўққиз юз олтмиш беш минг олтмиш) сўмни ташкил қилади ва номинал қиймати 1068 (бир минг олтмиш саккиз) сўм бўлган 234 102 795 (икки юз ўттиз тўрт миллион бир юз икки минг етти юз тўқсон беш) дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 135 000 (бир юз ўттиз беш минг) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли жойлаштирилган акциялардан иборат.»

2. Банк уставининг 5.3. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5.3. Банкнинг Устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўпайтирилиши мумкин.»

3. Банк уставининг 5.4. ҳамда 5.5. бандлари чиқариб ташлансин. Банк уставининг 5.6. – 5.25. бандлари тегишинча 5.4. – 5.23. бандлар деб ҳисоблансин.

4. Банк уставининг 6.9. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6.9. Эълон қилинган акциялар: Банк Устав капиталини ошириш мақсадида, жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларининг миқдори номинал қиймати 1068 (бир минг олтмиш саккиз) сўмлик 75 183 521 (етмиш беш миллион бир юз саксон уч минг беш юз йигирма бир) дона умумий қиймати 80 296 000 428 (саксон миллиард икки юз тўқсон олти миллион тўрт юз йигирма саккиз) сўм бўлган, эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги, оддий акциялардан иборат.»

5. Банк устави 8.1. банди:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«- ўзига тааллуқли депо ҳисобварағидан кўчирма олиш»;

қуйидаги таҳрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«- акциядорлар, жумладан миноритар акциядорлар овоз беришда ўз позицияларини шакллантириш мақсадида акциядорлик келишувларини тузишлари мумкин.»

6. Банк устави 8.2. бандининг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«- ўзига тааллуқли депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;»

7. Банк уставининг 8.8. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8.8. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда инвестиция воситачиси томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.»

8. Банк уставининг 8.14. банди қуйидаги сўнги хатбоши билан тўлдирилсин:

«- Миноритар акциядорлар асоссиз равишда хужжатлар талаб қилиш, конфиденциал маълумотлар ва банкнинг тижорат сирларидан фойдаланиш орқали Банк бошқаруви органлари фаолиятига ҳалал бермасликлари керак.»

9. Банк уставининг 12.3. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12.3. Банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Банк акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши одатда ҳар йили июн ойининг 01 санасидан 30 санасигача бўлган давр оралиғида ўтказилади.»

10. Банк устави 12.7. банди:

к) кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«к) Банкнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек Банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Банкни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;»

Қуйидаги ф) кичик банди билан тўлдирилсин:

«ф) ижроия органининг аффилиланган шахслар билан битимлар ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Банкнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш;»

11. Банк уставининг 12.11. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12.11. Мазкур Уставнинг 12.7. бандидаги а), б), в), д), м), р), с) қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.»

12. Банк уставининг 12.19. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12.19. Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) банкнинг молия йили тугаганидан кейин 90 (тўқсон) кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар ва соф фойдани тақсимлаш юзасидан таклифлар киритишга ҳамда банк Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.»

13. Банк устави 13.3. банди:

а) ва з) кичик бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) Банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратadbирлар тўғрисида Банк бошқарувининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

з) Банкнинг устав капиталини кўпайтириш ва Банк уставига Банкнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда Банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;»

Қуйидаги ў) ва қ) кичик бандлари билан тўлдирилсин:

«ў) акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган доирада ҳомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартибини ва шартларини белгилаш (ушбу тартиб Банкнинг веб-сайтида ошкор этилишини таъминлаш);

қ) Банк Кузатув кенгаши қошида Банк Кузатув кенгаши, ижроия органлари аъзолари, Банк ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш.»

14. Банк уставининг 13.28. банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«13.28. Банкга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Банк Кузатув Кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.»

15. Банк уставининг 14.25. банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«14.25. Банкга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Банк Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.»

16. Банк уставига янги 14.26. банд киритилсин:

«14.26. Банк акциядорлар умумий йиғилишида акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи бошқарув раиси Банк бошқаруви раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.»

17. Банк устави 15.2. бандининг 15.2.2. кичик банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«15.2.2. Ички аудит хизмати Банкнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Банк уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, ҳўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Банкни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Банкнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди. Шунингдек ички аудит хизмати 50 фоиздан зиёд улуши Банкга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.»

Банк Бошқарув раиси в.в.б.

 Расулов Ш.Г.

4 (14) 14.03.2014 г. Варакля ракамланган ва тикилган



[Handwritten signature]

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида

2017 йил «29» март
рўйхатга олинган

Рўйхатга олиш рақами 37-4

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки раисининг
биринчи ўринбосари



С.Ходжаев

**«МИКРОКРЕДИТБАНК»
акциядорлик-тижорат банки
уставига киритилган ўзгартириш**

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«Микрокредитбанк» АТБ

Акциядорларининг 2017 йил 1 мартдаги
навбатдан ташқари умумий йиғилиши
қарори



Қўзғатув Кенгаши раиси

Ж.Қўчқоров

**«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки уставига
киритилган ўзгартириш**

1. Банк уставининг 6.9-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

6.9. “Эълон қилинган акциялар: Банк устав капиталини ошириш мақсадида, жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори номинал қиймати 1068 (бир минг олтмиш саккиз) сўмлик 140 449 439 (бир юз қирқ миллион тўрт юз қирқ тўққиз минг тўрт юз ўттиз тўққиз) донa умумий қиймати 150 000 000 852 (бир юз эллик миллиард саккиз юз эллик икки) сўм бўлган, эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги, оддий акциялардан иборат”.

Бошқарув раиси

 А.Хайдаров

«М
АКЦИЯ»

01

бошл

Йиғилиш

Иштиро

Бош бухгалтер в.в.б.



И.Болтаев

Таклиф

Ўзб

акциядор

Йиғилиш

Йиғ

юзасидан

аппарати

масала о

овоздан т

Йиғ

Ҳ.Ниязов

Сўн

аниқлаш

234 237 7

тўхсон бе

воз йиғир

берувчи

миллатум к

Уни

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида

2017 йил «31» июль
рўйхатга олинган

Рўйхатга олиш рақами 37-5



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Раисининг
биринчи ўринбосари

Ш.Х. Атабаев

**«МИКРОКРЕДИТБАНК»
акциядорлик-тижорат банки
Уставига киритилган ўзгартиришлар**

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«Микрокредитбанк» АТБ
Акциядорларининг 2017 йил 28 июндаги
умумий йиғилиши
қарори

Акциядорлар умумий йиғилиши
раиси



Р.Касимов

Тошкент-2017

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки
Уставига киритилган ўзгартиришлар

1. Банк уставининг 5-бўлими. БАНК УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

Банк уставининг 5.2. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

5.2. Банкнинг устав капитали миқдори 350 165 964 204,00 (уч юз эллик миллиард бир юз олтмиш беш миллион тўққиз юз олтмиш тўрт минг икки юз тўрт) сўмни ташкил қилади ва номинал қиймати 1068 (бир минг олтмиш саккиз) сўм бўлган 327 735 753 (уч юз йигирма етти миллион етти юз ўттиз беш минг етти юз эллик уч) дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 135 000 (бир юз ўттиз беш минг) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли жойлаштирилган акциялардан иборат.

2. Банк уставининг 6-бўлими. БАНК АКЦИЯЛАРИ ТУРЛАРИ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ ВА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АКЦИЯЛАР

Банк уставининг 6.9. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

6.9. “Эълон қилинган акциялар: Банк устав капиталини ошириш мақсадида, жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори номинал қиймати 1068 (бир минг олтмиш саккиз) сўмлик 608 450 000 (олти юз саккиз миллион тўрт юз эллик минг) дона умумий қиймати 649 824 600 000 (олти юз қирқ тўққиз миллиард саккиз юз йигирма тўрт миллион олти юз минг) сўм бўлган, эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги, оддий акциялардан иборат”.

3. Банк уставининг 12-бўлими. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

Банк уставининг 12.7. з) кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

з) Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш. Банк ижроия органининг фаолияти тартибини белгилаб берувчи Низомни тасдиқлаш.

4. Банк уставининг 13-бўлими. БАНК КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Банк уставининг 13.3. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

р) Банк Бошқарувини тузиш, Бошқарув раиси ва аъзоларини тайинлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан аввал тугатиш;

5. Банк уставининг 14-бўлими. БАНКНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ (БОШҚАРУВ)


Банк уставининг 14.6. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

14.6. Банк Бошқаруви Раиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Кузатув кенгаши томонидан тайинланади.

31 may

2017 йил

Имзо



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида
«22» январ 2018 йилда
рўйхатга олинган
Рўйхатга олиш рақами 37-6

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки раисининг
биринчи ўринбосари




 Т.А.Ишметов

**«МИКРОКРЕДИТБАНК»
акциядорлик-тижорат банки
уставига киритилган ўзгартиришлар**

«ТАСДИҚЛАНГАН»
«Микрокредитбанк» АТБ
Кузатув кенгаши йиғилишининг
2018 йил «10» январдаги
2 -сонли баённомаси



«Микрокредитбанк» АТБ
Кузатув кенгаши раиси

 А.А.Хаитов

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки
Уставига киритилган ўзгартиришлар

1. Банк уставининг 5-бўлими. БАНК УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

Банк уставининг 5.2. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

5.2. Банкнинг устав капитали миқдори 592 752 288 408 (беш юз тўқсон икки миллиард етти юз эллик икки миллион икки юз саксон саккиз минг тўрт юз саккиз) сўмни ташкил қилади ва номинал қиймати 1068 (бир минг олтмиш саккиз) сўм бўлган 554 876 506 (беш юз эллик тўрт миллион саккиз юз етмиш олти минг беш юз олти) дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 135000 (бир юз ўттиз беш минг) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли жойлаштирилган акциялардан иборат.

2.Банк уставининг 6-бўлими.БАНК АКЦИЯЛАРИ ТУРЛАРИ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ ВА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АКЦИЯЛАР

Банк уставининг 6.9. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:


6.9. “Эълон қилинган акциялар: Банк устав капиталини ошириш мақсадида, жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори номинал қиймати 1068 (бир минг олтмиш саккиз) сўмлик 381 309 247 (уч юз саксон бир миллион уч юз тўққиз минг икки юз қирқ етти) дона умумий қиймати 407 238 275 796 (тўрт юз етти миллиард икки юз ўттиз саккиз миллион икки юз етмиш беш минг етти юз тўқсон олти) сўм бўлган, эгасининг номи ёзилган, хужжатсиз шаклдаги, оддий акциялардан иборат”.

Бошқарув раиси


Г.Маматкулов



Бошқарув раиси
Бош бухгалтер



И. Болтаев

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида
« 8 » июнь 2018 йилда
рўйхатга олинган
Рўйхатга олиш рақами 34 - 4

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки раисининг
биринчи ўринбосари



Т.А.Ишметов

**«МИКРОКРЕДИТБАНК»
акциядорлик-тижорат банки
уставига киритилган ўзгартиришлар**

«ТАСДИҚЛАНГАН»
«Микрокредитбанк» АТБ
Кузатув кенгаши мажлисининг
2018 йил «29» сентяб даги
8 -сонли баённомаси



«Микрокредитбанк» АТБ
Кузатув Кенгаши мажлиси раиси

А.Я.Хайдаров

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки
Уставига киритилган ўзгартиришлар

1. Банк уставининг 5-бўлими. БАНК УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

Банк уставининг 5.2. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

5.2. Банкнинг устав капитали миқдори 594 185 260 320 (беш юз тўқсон тўрт миллиард бир юз саксон беш миллион икки юз олтмиш минг уч юз йигирма) сўмни ташкил қилади ва номинал қиймати 1068 (бир минг олтмиш саккиз) сўм бўлган 556 218 240 (беш юз эллик олти миллион икки юз ўн саккиз минг икки юз қирқ) дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 135000 (бир юз ўттиз беш минг) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли жойлаштирилган акциялардан иборат.

2. Банк уставининг 6-бўлими. БАНК АКЦИЯЛАРИ ТУРЛАРИ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ ВА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АКЦИЯЛАР

Банк уставининг 6.9. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

6.9. “Эълон қилинган акциялар: Банк устав капиталини ошириш мақсадида, жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори номинал қиймати 1068 (бир минг олтмиш саккиз) сўмлик 379 967 513 (уч юз етмиш тўққиз миллион тўққиз юз олтмиш етти минг беш юз ўн уч) дона умумий қиймати 405 805 303 884 (тўрт юз беш миллиард саккиз юз беш миллион уч юз уч минг саккиз юз саксон тўрт) сўм бўлган, эгасининг номи ёзилган, хужжатсиз шаклдаги, оддий акциялардан иборат”.

Бошқарув раиси в.в.б.

 **Ш.Расулов**

Тикиглан ва расамланган

12 (12 июли)

вақтдан нобрат

8 июли 2018 йил

Имзо

